# Албатта, мўмин ўзининг чиройли хулқи билан, рўза тутувчи ва тунлари қоим инсоннинг даражасини топади», деганларини эшитдим», дедилар

Оиша разияллоҳу анҳо: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Албатта, мўмин ўзининг чиройли хулқи билан, рўза тутувчи ва тунлари қоим инсоннинг даражасини топади», деганларини эшитдим», дедилар.
[Шоҳидлари билан саҳиҳ] [Абу Довуд ва Аҳмад ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда чиройли хулқ, соҳибини кундузлари рўза, тунлари намоз ўқишда давомий бўладиган инсон даражасига олиб чиқишини хабар бердилар. Чиройли хулқ – яхшилик қилиш, чиройли сўзлаш, ёруқ юзли, бошқаларга азийят бермаслик ва бошқалар азиятини кўтара олиш демакдир.

https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5799